

Ўз вақтида огоҳлантириш, қутқариш ва ёрдам бериш асосий вазифамиздир!



Vaziyat

2022 йил
11 август
№ 32 (869)



2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

○ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги нашри ○

Газета 2004 йил 7 майдан чиқа бошлаган



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛ АЗИЗ, ИНСОН АЗИЗ

ТАРИХИЙ ҒАЛАБА

Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади

Ҳиндистонда бошланган 44-шахмат Олимпиадасининг биринчи, иккинчи ва учинчи турларида Непал, Исландия, Словения вакиллари мағлуб этган истеъдодли шахматчиларимиз АҚШ вакиллари билан 4-турда ютиб турилган уйинни дурангга айлантирганда, ростки, бир оз ранжиганимиз бор гап.

Аммо, умидимиз сўнмаганди. Нодирбекларнинг вазмин шахдига, Жавоҳирнинг шиддатига, Жаҳонгирнинг кутилмаган "кишти"га, умуман, йигитларимизнинг ҳар бир турда рақибларга аниқ "зарба" бера олишига ишонгандик.

Бу ишонч партиядан турларга ўтгани сайин мустаҳкамлашиб борди. Айниқса, 6-турда Ҳиндистоннинг асосий жамоаси билан ўтган мураккаб ўйинда "умидимиз омад тулпориди" эканлигини вакиллари янада ёрқин намойён этди. Ушбу турда биринчи тахтада уйнаган Нодирбек Абдусатторов Ҳиндистоннинг энг кучли шахматчиларидан бири, дунё рейтингда 25-ўринда бораётган Пентала Харикришна билан кечган жиддий ўйинда имкониятни бой берган, Нодирбек Ёқуббоев ва Жавоҳир Синдоров дурангга эришган бир пайтда Жаҳонгир Воҳидов Кришнан Сасикиранни мағлубиятга учратиши "йўлларимиз ёруғ" эканлигини кўрсатди.

Ушбу дуранг Ўзбекистон шахматчиларининг ғалаба манзили олдидан катта довонга чиқишини таъминлади, десак муболаға бўлмайди.

Жаҳонга Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳиятини намойиш этган йигитларимиз 8-турда Германияни, 9-турда олимпиаданинг энг кучли жамоаларидан бири – Арманистонни енгиши ва ниҳоят, 10-турда ҳиндларнинг "яширин курали" Ҳиндистон-2 жамоаси билан ақл бовар қилмас ўйиндаги ҳолат 44-олимпиаданинг бурилиш нуқтаси бўлди.

Ушбу турда Жаҳонгир Воҳидов ва Нодирбек Ёқуббоев қийин вазиятда дурангга эришиши, Жавоҳир Синдоров мураккаб партияди мағлуб бўлиши ва Нодирбек Абдусатторовнинг ўз ғалабаси билан Ўзбекистонга гўёки чемпионлик майдони кенгликларини кўрсатди, аслида.

9 август 44-шахмат олимпиадасининг охириги 11-тури Ўзбекистон шахмат тарихига зарҳал ҳарфлар билан ёзиладиган кун бўлиб муҳрланди.

Жамоамиз сўнги турда Нидерландия вакилларига қарши дона сурди. Дастлаб иккинчи тахтада уйнаган Нодирбек Ёқуббоев рақиб жамоа вакили Йорден ван Форест билан дурангга эришди. Нодирбек Абдусатторов ҳам Аниш Гири билан келишув йўлини танлади. Жавоҳир Синдоров ҳам Бенджамин Бок билан ўйинда муроасага келди. Шундай қалтис вазиятда

Жаҳонгир Воҳидовнинг Макс Уормердам билан ўйини ҳал қилувчи учрашув кўринишини олди. Мураккаб "ақл жанги"да Воҳидов бор иқтидорини ишга солди ва шиддатли, руҳий курашлар остида ўтган "жанг"да рақибини мағлуб этди.

Ғалабалар ўз-ўзидан кўлга киритилмайди. Эътибор, кўллов ютуқларнинг юзини очади. Халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга гамхўрлик қилиш, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялаш ҳамisha давлатимизнинг эътибор марказида бўлиб келган.

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган "Шахматни янада ривожлантириш ва оммавийлаштириш ҳамда шахматчиларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда жорий йил 5 августда қабул қилинган "Шахматни янада оммалаштириш ва ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлар юртимиз келажаги бўлган ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ўстиришга хизмат қилмоқда.

Айтиш жоиз, мамлакатимиздаги 160 га яқин ўрта таълим мактабларида шахмат тўғрақлари ташкил этилган бўлиб, уларга 12 минг нафардан зиёд ўқувчи-ёшлар қамраб олинган. Шунингдек, 250 дан зиёд болалар-ўсмирлар спорт мактабларида шахмат бўйича 600 га яқин секциялар фаолият юритмоқда. Юртимизда шахмат билан профессионал шугулланувчилар сони 4 минг нафардан зиёд бўлиб, "ақл гимнастикаси"чиларимизнинг 25 нафари халқаро гроссмейстер ҳисобланади.

Яна бир эътиборли ҳолат. 44-шахмат олимпиадаси ғолиби бўлган шахматчиларимиз мазкур қарорлар асосида пул мукофотлари билан тақдирланади.

Унга кўра, ғолибликка эришган шахматчиларимизнинг ҳар бирига 600 миллион сўм, уларнинг мураббийига эса 300 миллион сўм пул мукофотлари топширилади.

44-шахмат олимпиадасида ёш шахматчиларимиз эришган ушбу ғалаба Ўзбекистонни шахмат олимпиадасининг чемпиони мақомига олиб чиқдики, бу мамлакатимиз ёшларининг салоҳияти, уларнинг истеъдоди, жаҳонни лол этган «ақл куёши» минг йиллар нарисиди миллионлаб инсонларнинг ҳавасини келтириб туриши, шубҳасиз.

Бу давлатимиз раҳбари илгари сурган Янги Ўзбекистон тамойилини мустаҳкамлаш асносида Учинчи Ренессанс пойдевори яратилишига муносиб замин ҳозирланаётганлигининг ёрқин ифодаси бўлди.

**Тўлқин РЎЗИЕВ,
ЎЗА**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 30-майдаги "Ўзбекистон Республикасининг сейсмик хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари то'ғрисида"ги фармони ижросини таъминлаш мақсадиди, Маҳалла ва нуруниларни қо'ллаб-қувватлаш вазирлиги ходимлари учун Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Фуқаро муҳофазаси институти ходимлари томонидан zilzila va uning oqibatlariga oid nazariy va amaliy o'quv mashg'uloti, yong'in-qutqaruv texnikalari va asbob-anjomlari ko'rgazmasi o'tkazildi.

КО'РGAZMALI MASHG'ULOT



O'quv mashg'uloti davomida ishtirokchilar kuchli zilzila bilan bog'liq favqulodda vaziyatlardan muhofazalanish bo'yicha nazariy bilim va amaliy ko'nikmalarga ega bo'ldilar.

FVV matbuot xizmati.

"QAMCHIQ"DA SINOV

"Qamchiq" dovonida Favqulodda vaziyatlar vazirligining maxsus-taktik o'quv mashqi bo'lib o'tdi.



Unda tog'larda qidiruv-qutqaruv ishlari, birinchi tibbiy yordam, dovondan o'tishni tashkil etish harakatlari ko'rib chiqildi. Tadbir davomida qutqaruvchilar jismoniy tayyorgarlik, tog'

sharoitida to'g'ri harakatlanish bo'yicha bilim va ko'nikmalarini namoyish etish bilan birga, o'z imkoniyatlarini sinovdan o'tkazdilar.

FVV matbuot xizmati.

Фаргона ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Шарқий ҳарбий округ Маънавият ва маърифат марказида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирокида сайёр қабул ўтказилди.

САЙЁР ҚАБУЛ

Унда 10 дан ортиқ давлат ташкилотларининг мутахассислари, шунингдек, 65 нафарга яқин



ҳарбий хизматчи ҳамда уларнинг оила аъзолари иштирок этдилар.

Қабул давомида келиб тушган 22 та мурожаатнинг 3 таси шу жойнинг ўзида ижобий ҳал қилинган бўлса, 7 таси юзасидан тегишли соҳа вакиллари томонидан тушунтириш берилди. Қўшимча муддат талаб қиладиган 12 та мурожаат ижроси назоратга олиниб, қисқа вақт ичида ижобий ҳал қилиш бўйича мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Ойбек ШЕРМАТОВ,
Фаргона ҳарбий
прокурорининг
ўринбосари, адлия
подполковниги.

ЗАРУР ТАВСИЯЛАР

Навоий кон-металлургия комбинати Ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш маркази мажлислар залида вилоят ҳарбий прокуратураси терговчиси, адлия капитани Шерзод Унгаров ва вилоят ИИБ ЙХХБ катта инспектори, майор Фаррух Якубовлар иштирокида йўл-транспорт ҳодисалари ва уларнинг олдини олишга қаратилган тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар томонидан инсон омили билан боғлиқ хато ва камчиликларни бартараф этишга алоҳида урғу берилди. Қоидабузарлик, шошма-шошарлик, етарлича ҳай-



довчилик малакасига эга бўлмаган ҳолда автомашина бошқариш кўнгилсиз ҳодисаларга сабаб бўлиши уқтирилди.

Шунингдек, тадбирда қонунчилик талаблари, хизмат интизомига риоя қилиш, айниқса, йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўзлаштириш, шахсий ва хизмат транспорт воситаларини бошқаришда ҳушёрликни ошириш зарурлиги эслатиб ўтилди.

Тадбир якунида ўзаро савол-жавоб ташкил этилди.

Маъруфжон ҲАЙИТОВ,
НКМК Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш
ни ташкил этиш маркази гуруҳ бошлиги,
катта сержант.

ФИРИБГАР ЖАЗОСИНИ ОЛДИ

С.Т. биринчи марта 18 ёшида ўғрилиги учун судланган. Кейин эса у бошқинчилик, товламачилик, ўғрилик жиноятини содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этилган. Айни ўқиб-ўрганадиган, ишлаб чарчамайдиган қирчиллама ёшида яна жиноятга қўл урди. С.Т. ўтган йили 6 сентябрь куни пойтахтимизнинг Олмазор туманида жойлашган “Талабалар” шаҳарчасида бир фуқарони алдайди. Шу ўринда яхшиси, фирибгарнинг “тузоғи”га илинган жабрланувчиларнинг суддаги кўрсатмасини келтирсак.

– Мен, – дейди жабрланувчи Х.Б. – 2021 йил апрель ойининг ўрталарида “Спарк” автомобилни сотиб олдим. Автомашинани таъмирлаб, сотиш учун бозорга олиб чиқдим. Шунда автомашина олди-сотдиси билан шуғулланадиган танишлар телефон қилиб, харидор борлигини айтишди. “Талабалар” шаҳарчасидаги нотариал идорага бордим. Харидор С.Т. билан 7 300 АҚШ долларига савдолашдик. У бўлиб тўлаш шарти билан бошлангичига 1000 АҚШ доллари ва пулнинг қолган қисмини 30 ой давомида ҳар ойда 250 АҚШ долларидан берадиган бўлди. “Спарк”имни сотиш ҳуқуқисиз фақатгина бошқариш ҳуқуқи билан ишончнома қилиб бердим. С.Т. машинани ҳайдаб кетди. Пул бериши керак бўлган вақтда телефон қилсам жавоб бермади, турли баҳоналар билан мени алдаб юрди. Кейин билсам, машинани бегона фуқарога сотиб юборган экан. Алданганлигимни билганимдан кейин тегишли жойга мурожаат қилдим. Ҳозирда С.Т. томонидан менга етказилган моддий зарар тўлиқ

қопланган. Унга нисбатан ҳеч қандай даъвоим йўқ...

С.Т.нинг “қармоғи”га илинганлардан яна бирининг суддаги кўрсатмаси:

– Ўтган йили декабрь ойида автомашина сотиб олиш учун Сергелидаги бозорга бордик, – дейди жабрланувчи Ю.Д. – Бозорда Баҳодир исмли машина олди-сотдиси билан шуғулланадиган шахс “Спарк” русумли автомашинани кўрсатиб, С.Т. билан таништирди. Шунда биз машина эгасига бошлангич тўлов сифатида 1 400 АҚШ доллари беришга ва ҳар ойда 400 АҚШ долларидан 13 ой давомида ижара пулини тўлашга келишдик. Пули тўлиқ тўлангач, у менга “Спарк”ни расмийлаштириб берадиган бўлди. Ўша куни ишончнома қилиб беринг деганимда, у бугун нотариус ишламайди, эртага ҳаммасини қилиб бераман деди. Кейин билсам, С.Т. фирибгар экан...

Беш марта судланган С.Т.нинг жиноий иши судда кўриб чиқилди. Унга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, унинг шахси, шунингдек, у жазони ўташ даврида ғараз ниятда яна янги жиноятни содир қилганлиги оғирлаштирувчи ҳолат деб баҳоланди. Шундай қилиб, С.Т. узил-кесил 5 йил 1 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жиноят кодексининг тегишли моддасига асосан С.Т. ўта хавфли рецидивист, деб топилди.

Темур ҚОСИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича Яққасарой
туман судининг судьяси.

СУДЛАР ФАОЛИЯТИДА РАҚАМЛАШТИРИШ

Ҳаёт шиддат билан ўзгараётган бугунги кунда мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларидан тобора кенг фойдаланилмоқда. Жумладан, судлар фаолиятида ҳам очиқлик ва шаффофликни таъминлашда ахборот тизимлари жорий этилмоқда. Президентимизнинг “Суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шу мақсадага қаратилганлиги билан муҳим аҳамиятга эга.

Қайд этиш керакки, сўнгги йилларда рақамли технологияларни суд органлари фаолиятига жорий этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди. Жумладан, судларга масофадан туриб мурожаат қилиш, суд мажлисларида видеоконференцалоқа тизимидан фойдаланиб иштирок этиш, судьялар ўртасида ишларни автоматик тарзда тақсимлаш, суд қарорларини интернет тармоғида эълон қилиш, ижро ҳужжатларини электрон шаклда мажбурий ижрога юбориш тизимлари жорий этилди.

Тегишли ҳужжатга асосан амалдаги қонунчиликка суд органлари фаолиятига рақамли технологияларни жорий қилишга қаратилган бир қатор ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш билан боғлиқ нормалар белгиланди.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган интерактив электрон хизматлар турлари кенгайтирилмоқда. Ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш жараёнини онлайн кузатиб бориш, суд биноларида интерактив хизматлардан эркин фойдаланиш имконияти яратилмоқда. Судларда одил судловни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларнинг тезкорлик билан олинишини таъминлаш мақсадида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан электрон маълумотлар алмашинуви янада кенгайтирилди. Махсус ахборот дастурларини жорий этиш орқали судьялар ҳамжамияти органлари фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги таъминланмоқда. Суд мажлисларида масофадан туриб, жумладан, мобиль қурилмалар ва электрон ҳамкорликнинг бошқа шакллари орқали иштирок этиш имконияти кенгайтирилди. Шунингдек, иш бўйича тарафлар учун суд қарорларини онлайн тарзда олиш имконияти яратилди.

Шунингдек, қарор билан 2020-2023 йилларда суд ҳокимияти органлари фаолиятини рақамлаштириш дастури ҳамда судларнинг ахборот тизимларини давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланди.

Дастурда 2021-2023 йилларда барча судларда суд мажлислари иш бўйича тарафларнинг илтимосномаси ва раислик қилувчининг розилиги билан аудиоёзувдан фойдаланган ҳолда қайд этиб бориш кўрсатилди. Унга кўра, суд мажлислари баённомаларини ушбу тизимдан фойдаланган ҳолда шакллантириш, апелляция ва кассация инстанцияси судларида ишларни судьялар ўртасида автоматик равишда тақсимлаш белгиланди. Бундан ташқари, барча иштирокчиларни суд мажлисларининг вақти ва жойи ҳақида “SMS” хабар орқали маълум қилинади. Суд қарорларини иш бўйича тарафларга онлайн тарзда, уларнинг илтимосномаси бўйича эса қороз шаклида тақдим этилади. Суд ҳокимияти органлари фаолиятида, шу жумладан, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларига одил судловга эришишда қулайлик яратиш мақсадида 10 га яқин интерактив хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди. Шунингдек, суд ишларини давлат архивига электрон шаклда топшириш ва қабул қилиш, судлар-

нинг ахборот-коммуникация технологиялари инфратузилмасини янада яхшилаш каби чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Муайян ишни кўриш жараёнида зарур бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар фуқароларни овоза қилмаган ҳолда судлар томонидан бевосита давлат органлари ва ташкилотларидан электрон шаклда олинади. Судлар томонидан жарималарни қамайтириш ёки уларни қўлламаслик масалаларини кўриб чиқишда “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ва бошқа ахборот тизимларининг интеграцияси орқали фуқаронинг мулкӣ ҳолати ва ижтимоий аҳоли ҳақидаги ишончли маълумотлар билан таъминланади. Шунингдек, судлар томонидан алимент миқдорини белгилашда туманлар кесимида ўртача ойлик иш ҳақлари тўғрисида маълумотларни ахборот тизими орқали электрон шаклда олиш каби вазифалар белгиланди.

Эндиликда Олий суд ахборот тизими билан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимларини интеграция қилиш орқали жисмоний ва юридик шахслар ҳақидаги мавжуд маълумотлар судларнинг электрон сўрови бўйича бепул асосда тақдим этилади.

Қарорга асосан, 2022 йил 1 январдан бошлаб судлар фаолиятига “Адолат” ахборот тизимлари комплекси жорий этиш белгиланди. Мазкур тизим орқали давлат ҳокимияти ва бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти ҳамда ҳўжалик бошқаруви органлари, адвокатлар томонидан судларга даъво, ариза ва шикоятлар фақат электрон шаклда тақдим этилади. Манфаатдор шахслар даъво, ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш жараёнини онлайн тарзда кузатиб боради.

Шу ўринда бир мулоҳазани айтиб ўтиш ўринли. Судлар тизимига замонавий технологияларнинг жорий этилиши жуда кўп қулайликлар яратади. Ҳам вақт, ҳам маблағ тежалди. Лекин, масаланинг яна бир томони борки, бунга ҳам эътибор беришимиз керак. Гап шундаки, ёши улғу инсонларнинг аксарияти замонавий технологиялардан фойдаланишни яхши билишмайди. Улар электрон шаклда ариза ёзишни билишмайди. Кўпчилиги тўғридан-тўғри судга келишади. Ваҳоланки, судга қандай мурожаат қилиш ва давлат божи тўғрисида маълумот бериш адлия органлари зиммасига юклатилган. Шунингдек, улар оилавий ажримларнинг олдини олиш учун тушунтириш ишларини ҳам олиб боришлари керак. Амалиётда эса суд жараёнида ярашиб кетётган оилалар борлигини ҳам таъкидлаб ўтиш керак.

Бир сўз билан айтганда, суд тизимига замонавий технологияларнинг жорий этилиши судларда ишларни ўз вақтида ва сифатли кўришга шароит яратади. Шу билан бирга фуқароларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш орқали уларнинг суд органларига бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Тошкент вилояти Оҳангарон
туманлараро судининг судьяси.

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

Тошкент шаҳар Фавқуллода вазиятлар бошқармасида “Ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ўз миллатига садоқат – шахс маънавияти мезонлари” мавзусида учрашув бўлиб ўтди.



Унда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, “Меҳнат шўхрати” ордени соҳиби, таниқли драматург Эркин Хушвақтов иштирок этди.

Маълумки, адиб Эркин Хушвақтов қаламига мансуб “Чимилдиқ”, “Қирмизи олма”, “Андишали келинчак”, “Кўнги”, “Бобораҳим Машраб”, “Сизсиз ўтмас кунларим” номли қатор спектакллари ҳамда “Меҳмонжонлардан айланай” ва “Сабр” телесериаллар барчамизнинг қалбимиздан чуқур жой олган.

Учрашув чуқур таассуротларга бой ва кўтаринки руҳда ўтди. Айниқса, “Чимилдиқ” спектаклининг тарихи, суратга олиш жараёнлари, эса қоларли воқеалар ҳамда актёрларнинг маҳоратли ижролари таҳсинга сазовор эканлиги айтиб ўтилди.

Тадбир иштирокчиларининг саволларига драматург томонидан жавоб берилди.

А.РУСТАМОВ,
Тошкент шаҳар ФВБ матбуот
хизмати раҳбари, капитан.

Жиззах вилояти Фавқуллода вазиятлар бошқармаси ходимлари томонидан “Чоршанба – фавқуллода вазиятлар профилактикаси куни” тадбири доирасида бир қатор профилактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Хусусан, вилоятнинг Зарбдор ва Галлаорол туманларида қорхона, муассаса ва ташкилотлар ҳамда қурилиш объектларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганилди.

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ўрганиш тадбирларида Зарбдор тумани халқ таълими бўлимига қарашли 3-умумтаълим мактабида амалга оширилаётган қурилиш ишларида қатнашаётган ишчилар техника хавфсизлиги бўйича йўриқномадан ўтказилмаганлиги, зарур шахсий ҳимоя воситалари – бош кийим ва хавфсизлик нимчаси билан таъминланмаганлиги маълум бўлди.

Туманининг Равот маҳалласи ҳудудида кўп қаватли уйларнинг қурилиш жараёнида вақтинчалик ўтказилган электр симлари аниқланди. Тадбир давомида улар бартараф этилиб, бинонинг бош лойиҳаси ва унда кўрсатилган ёнғинга қарши талабларнинг тўлиқ бажарилиши, ишчи-хизматчиларнинг хавф-

сизлигини таъминлаш бўйича масъул шахслар билан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Аниқланган бир қатор камчиликлар бўйича масъул ходимлар қатъий огоҳлантирилиб, ўз вақтида бартараф этилмаган камчиликлар маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши тушунтирилди.

Бу каби тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ўтказиб келинмоқда.

Санжар ХОЛМУРОДОВ,
Зарбдор тумани ФВ бўлими
бошлиги ўринбосари, капитан.
Баҳодир НОРБОБОВ,
Галлаорол тумани ФВ бўлими
бошлиги ўринбосари, капитан.

УЧРАШУВ



Наманган вилояти ФВБда ташкил қилинган навбатдаги маънавий-маърифий машғулот дарси бугунги кундаги инсонпарварлик сиёсати, ёшлар тарбиясида ота-онанинг туган ўрнига бағишланди.

Тадбирда Республика Маънавият ва маъ-

рифат маркази Наманган шаҳар бўлими бош мутахассиси Миржамол Обиджонов, Наманган шаҳар бош имом-хатиби Мусоҳон Аббоситдинов иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққанлар ҳар бир инсон юрт тинчлигини қадрлаши, шукрона қилиши лозимлиги ҳамда ўз юртида кечаётган оқиллона ислохотларда фаол иштирок этиши унинг фарзандлик бурчи эканлиги таъкидланиб, бир қатор ҳаётий мисоллар келтирилди.

Тадбир якунида мавзуга оид махсус видеоролик намойиш этилди.

Ҳакимжон ҲОЖИМАТОВ,
Наманган вилояти ФВБ
бўлим бошлиги, капитан.

Фарғона вилояти ФВБ Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўқув маркази томонидан вилоятдаги давлат мактабгача таълим ташкилотлари, Халқ таълими бошқармаси ва бўлимлари, олий ўқув юртлири ҳамда Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бошқармаси ва бўлимлари мутахассисларини жалб этган ҳолда семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилиб, ушбу тадбирларда “Фуқаролар учун зилзила вақтида тегишли ҳаракат ва тадбирларни амалга ошириш” мавзусидаги услубий қўлланма материалларидан фойдаланган ҳолда, мавзуга оид слайд ҳамда видеороликлар намойиш қилинмоқда.

МАРКАЗДА ТАДБИРЛАР



Машғулотлар давомида фавқуллода вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш, инсонлар ҳалок бўлишига йўл қўймастик, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олишга оид хавфсизлик

қоидалари тўғрисида тушунчалар берилиб, профилактик чора-тадбирларни кучайтириш барчадан бирдек масъулият талаб этилиши алоҳида таъкидлаб ўтилмоқда.

Давра суҳбатларида мутахассислар ва иштирокчилар ўртасида ўзаро савол-жавоблар ташкиллаштирилмоқда.

С.АБДУРАҲМОНОВА,
Фарғона вилояти ФВБ
ҲФХУМ ўқитувчиси.
А.АЛИЖОНОВ,
бошқарма матбуот хизмати бошлиги,
катта лейтенант.

ДАВРА СУҲБАТИ

ФВБ Академияси ҳузуридаги Фуқаро муҳофазаси институти шахсий таркиби билан келгусида йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг олдини олиш мақсадида, Тошкент вилояти ИИББ йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари иштирокида “Автотранспорт воситаларидан фойдаланиш, уларни бошқариш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш”, шунингдек, “Об-ҳаво ҳарорати паст бўлган ва мураккаб шароитларда автотранспорт воситаларини бошқариш” каби мавзуларда ўқув машғулоти ўтказилди.

Машғулот давомида институт шахсий таркиби мутасадди ходимлардан ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ш.ХОЛИҚОВ, ФВБ Академияси ҳузуридаги ФМИ кафедра бошлиги, полковник.

ҚУРИЛИШДА МЕЪЁР

Хоразм вилояти Тупроққалъа тумани “Обод” маҳалласи “Янги Ўзбекистон” массиви ҳудудидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган, туман ҳокимлиги захира ер ҳисобидан 360 ўринли мактабгача таълим ташкилоти қурилиши учун 0,68 га. ҳамда оилавий шифокорлик пункти қурилиши учун 0,12 га. танланган ер майдонларида қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Бунёдкорлик ишлари ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўрганилиб, мутахассисларга зарур тавсиялар бериб борилмоқда. Янги қурилишларда ва аҳоли турар жойларида қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилганда бирламчи ёнғин учирини воситалари билан тўлиқ таъминлаш зарурлиги ўқитилмоқда ҳамда бу борада амалий тадбирлар ташкиллаштирилмоқда.

Самандар САМАНДАРОВ,
Тупроққалъа тумани ФВ бўлими бўлима бошлиги, катта лейтенант.

BOLALAR XAVFSIZLIGI UCHUN

Yakkabog' tumani FV bo'limi tomonidan tuman hududidagi 8-davlat maktabgacha ta'lim muassasasida o'quv-amaliy seminar bo'lib o'tdi.



Unda bolajonlarga gugurt bilan o'ynamaslik, uydagi gaz uskunalarining quloqchinlarini buramaslik va elektr jihozlariga tegmaslik yuzasidan tushunchalar berildi.

Shuningdek, turli favqulodda vaziyatlar, ya'ni zilzila, yong'inlar va shunga o'xshash boshqa vaziyatlarda to'g'ri harakatlanish yuzasidan tushunchalar berilib, amaliy mashqlar bajarildi.

Shahboz BOBOMURODOV,
Qashqadaryo viloyati FVB
xodimi, oddiy askar.

ҚОРАЎЗАКДА ЎҚУВ МАШҚИ

Қорақалпоғистон Республикаси Қораўзак тумани ФВ бўлими томонидан “Қораўзак тумани электр таъминловчи корхона объектида фавқулодда вазиятлар рўй берганда объект раҳбарияти ва Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат ҳудудий қўйи тизими Қораўзак тумани бўғини хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Ўқув машқи туман электр таъминловчи корхона объектида бўлиб, амалий қисм 2 босқичда ташкил этилди.

1-босқичда электр таъминловчи корхона объектида фавқулодда вазиятлар рўй берганда объект фуқаро муҳофазаси тузилмасининг тезкорлик билан фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича ҳаракатлари, 2-босқичда электр таъминловчи корхона объектида фавқулодда вазиятлар рўй берганда Қорақалпоғистон Республикаси ФВДТ туман бўғини хизматларининг



ҳамкорликдаги ҳаракатлари кўриб чиқилди.

Тадбир якунида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, уларни бартараф

раф этиш юзасидан зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

А.АМИРХОНОВ,
Қораўзак тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, лейтенант.

МУҲИМ ТАЛАБ

Деҳқонобод тумани ФВ бўлими ва ФВДТ хизматлари ҳамкорлигида “Қурилиш объектларида содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген тусдаги фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда ФВДТ хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.



Ўқув машқи туман ХТБга қарашли 70-ИДУМ учун янги қурилатган бинода ўтказилди. Машқ давомида объектда

жабрланганларни қутқариш, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, ёнғинни бартараф этиш, электр ва газ тармоқларида юзага

келган носозликларни бартараф этиш, санитар дезинфекция ишлари бўйича амалий машқлар ташкил қилинди.

Тадбир якунида эришилган ютуқлар билан бирга йўл қўйилган камчиликлар ҳам таҳлил қилиниб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Ў.ЙЎЛДОШЕВ,
Деҳқонобод тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, капитан.

ФВВ Академияси ҳузуридаги Бошланғич тайёргарлик ва малака ошириш марказида бошланғич ўқув курсида таҳсил олаётган тингловчилар билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ Ўзбекистон-Туркия ҳамкорлигидаги “Kamalak-Tex” тўқимачилик қўшма корхонасида амалий машғулот ўтказилди.

КўНИКМАЛАР ОШИРИЛДИ

Тадбир давомида ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг ҳаракатланиш тартиби, тўқимачилик саноати корхоналарида ёнғинга қарши сув тизими, ёнғинни ўчиришда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этиш ва яна қатор вазифалар бўйича тингловчиларга батафсил маълумотлар берилди.

Машғулот якунида тингловчиларни қизиқтирган саволларга корхона мутахассиси ва марказ ўқитувчилари томонидан жавоб берилди.



Ш.АҲМЕДОВ,
Марказ “Махсус фанлар” цикли бошлиғи, подполковник.

Наманган вилояти Тўрақўрғон туманидаги спортга ихтисослаштирилган 1-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ёнғин-қутқарув амалий спорти бўйича вилоят биринчилиги ўтказилди.

ВИЛОЯТ БИРИНЧИЛИГИ

Мусобақада бошқарма қўйи тизимидан 15 та жамоа, 150 нафардан ортиқ харбий хизматчи ва хизматчи иштирок этди.

Спортнинг ишғол қилиш нарвонида 4-қаватга кўтарилиш тури бўйича Наманган шаҳар ФВ бўлими 1-ЁҚҚ жамоаси аъзоси оддий аскар Асқар Илёсов 3-ўринга, Наманган тумани ФВ бўлими жамоаси аъзоси Анапия Орипов 2-ўринга, Учқўрғон тумани ФВ бўлими жамоаси аъзоси Абдурашид Маҳмуджонов 1-ўринга муносиб кўрилди.

Спортнинг 100 метрга тўсиқлар оша югуриш тури бўйича 3-ўрин Учқўрғон тумани ФВ бўлими жамоаси аъзоси Абдурашид Маҳмуджоновга



насиб этган бўлса, 2-ўринни Наманган шаҳар ФВ бўлими 3-ЁҚҚ жамоаси аъзоси оддий аскар Самаджон Абдуллажонов, 1-ўринни эса Наманган тумани ФВ бўлими жамоаси аъзоси Анапия Орипов забт этдилар.

Ғолиб ва совриндорлар

вилоят ФВБнинг раҳбарияти томонидан махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирландилар.

Акрамжон ТУРҒУНОВ,
Наманган вилояти ФВБ ТХваЖТТЭБ бошлиғи, майор.

Наманган вилояти ҳудудларида ҳайвонлар ва аҳоли ўртасида куйдирги касаллиги тарқалишининг олдини олиш юзасидан ФВДТ бошқарув органлари ва воситаларининг ҳамкорликда ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва такомиллаштириш мақсадида, Чортоқ туманида “Ўта хавфли юқумли куйдирги касаллигининг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш” мавзусида махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Даставвал “Куйдирги касаллигининг этиологияси, эпидемиологияси, эпизоотологияси, қийсий ташхиси, клиникаси, даволаш усуллари ва профилактикаси” мавзусида мутахассислар томонидан маърузалар қилинди ҳамда иштирокчиларнинг қизиқтирган саволларига жавоб берилди.

Тадбир уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда куйдирги касаллигига гумон қилинган фуқаро мурожаат қилганда, беморга бирламчи ташхис қўйиш, госпитализация қилиш, даволаш усуллари кўриб чиқилди.

КАСАЛЛИККА ҚАРШИ



қилиш, даволаш усуллари кўриб чиқилди.

Иккинчи ва учинчи босқичларда куйдирги касаллиги ўчоғида эпидемиологик суртирув ўтказиш, касалларни аниқлаш, мулоқотда бўлганларни алоҳидалаш, уйма-уй юриб, профилактик тадбирларни

ўтказиш ва дезинфекция қилиш ишлари амалда кўрсатиб берилди.

Илхом ҲАСАНОВ,
Наманган вилояти ФВБ катта офицери, катта лейтенант.

ТИББИЁТ МУАССАСАСИДА

Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази Наманган филиалида “Шошилич тез тиббий ёрдам илмий маркази раҳбарияти ва тузилмалари шахсий таркибининг фавқулодда вазиятлар натижасида кўп сонли жабрланганларга биринчи ёрдам кўрсатишдаги ҳаракатлари” мавзусида кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

Машқ назарий қисмида белгиланган мавзу бўйича мутахассисларнинг маърузалари тингланди ҳамда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга атрафлича жавоблар берилди.

Амалий қисм 2 босқичда ўтказилиб, биринчи босқичда оммавий жабрланганларни дала шароитида саралаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш, иккинчи босқичда жабрланганларга малакали тиббий ёрдам тартиби амалий тарзда кўрсатиб берилди.

Анвар АБДУЛЛАЕВ,
Наманган вилояти ФВБ ходими, подполковник.



Тошкент вилояти ФВБ ўрмон ёнғинларини бартараф этишга ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув отряди шахсий таркиби ўртасида “Бурчимулла давлат ўрмон хўжалиги ҳамда Бўстонлик тумани ФВДТ хизматлари билан туман ҳудудидаги ўрмонларда ёнғинларни бартараф этиш” мавзусида амалий махсус-тактик ўқув машқи ўтказилди.

ЎРМОН ЁНҒИНЛАРИГА ҚАРШИ



Унда ҳамкорликдаги хизматларнинг ўрмон ёнғинларини турли усуллар билан ўчириш, ёнғинларни куршаб олиш, жабрланганларни қидириш, уларни хавфсиз ҳудудга эвакуация қилиш бўйича кўникмаларини ошириш асосий вазифа этиб белгиланди.

Тадбирга Мудосфаа вазирилик, туман ҳокимияти, Бурчимулла давлат ўрмон хўжалиги, Чирчиқ ёнғин-қутқарув отряди, Ўрмон ёнғинларини бартараф этишга ихтисослаштирилган ёнғин-қутқарув отряди шахсий таркиби, куч-воситалари жалб қилинди.

Рустам АЛИМОВ, Тошкент вилояти ФВБ Матбуот хизмати раҳбари, подполковник.

RUHIY TAYYORGARLIK

Quruqlikda sodir bo'lgan favqulodda vaziyatlardagi qutqaruv jarayonlarida aql bilan ish qilish, o'ylab olish uchun vaqt hamda insonlarni boshqara olish va ularni psixologik nuqtai nazardan xotirjamlikka chorlash uchun yetarlicha imkoniyatlar va erkin nafas olish uchun hech qanday to'siqlar mavjud emas.



Biroq, suvda cho'kayotgan insonni qutqarish esa qutqaruvchilardan jismonan baquvvat bo'lish, suzish mahoratining yuqoriligi, suvda o'zini yo'qotib qo'ymaslik va cho'kayotgan insonni suvdan olib chiqish uchun anchagina kuchni talab qiladi.

Shu bois Qashqadaryo viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi qutqaruv otryadi qutqaruvchilarining mahorati va ruhiy tayyorgarlik darajasini oshirish maqsadida Qarshi shahridagi Qarshi bosh kanalida o'quv mashg'uloti o'tkazildi.

Unda qutqaruvchilar tomonidan kanaldan suzib o'tish, cho'kayotgan insonni qutqarish va unga birinchi tibbiy yordam ko'rsatish harakatlari amalda bajarildi.

Ulug'bek JUMANOV, Qashqadaryo viloyati FVB matbuot xizmati yetakchi mutaxassisi.

AMALIY YORDAM

Jizzax viloyati Favqulodda vaziyatlar boshqarmasi Tezkor boshqaruv markaziga “1050” qisqa raqami orqali Jizzax shahar Ulug'bek mahallasi 11-ko'p qavatli uydagi xonadonlarning birida istiqomat qiluvchi fuqarodan murojaat tushgan.

Unga ko'ra, xonadon sohibining 3 yoshli nabirasi uy ichida qullanib qolgan. To'rtinchi qavatda joylashgan xonadon eshigini mustaqil ochishning imkoni bo'lmagan.

Murojaat yuzasidan darhol boshqarma yong'in-qutqaruv otryadi xodimlari aytilgan manzilga yetib bordilar. Maxsus anjomlar yordamida temir eshik ochilib, bolakay oila a'zolariga sog'-salomat topshirildi.

Nurali MURODOV, Jizzax viloyati FVB yong'in-qutqaruv otryadi guruh komandiri, 2-darajali serjant.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО – МУҚАРРАР

Бугун мамлакатимизда кечаётган демократик янгиланишларнинг янги босқичида халқ билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш, барчанинг фикрини билиш, дардини эшитиш ва ҳақиқий ҳаётга мос бўлган халқчил стратегияни амалга оширишнинг ҳосиласи сифатида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан “адолат” тамойили кун тартибидagi энг устувор масалалардан бири сифатида илгари сурилмоқда.

Бугунги глобаллашув даврида янгидан-янги таҳдид ва хавф-хатарлар пайдо бўлмоқда, жиноятларни содир этиш усул ва воситалари, мақсадлари ўзгариб бормоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда кейинги йилларда бу масалалар бўйича 100 дан ортиқ ҳужжатлар қабул қилинди.

Қурилаётган чоралар натижасида фуқароларимизда адолат ва қонун устуворлигига ишонч пайдо бўлмоқда. Лекин хотиржамликка берилишга ҳеч кимнинг ҳақи йўқлиги, ҳали олдимизда қилинадиган ишлар кўплиги, жиноятчиликни жиловлашни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги қайта-қайта таъкидланмоқда.

Президентимиз таъбирлари билан айтганда, қонун ва адолат тантанаси учун курашадиган инсонлар бугунги куннинг қаҳрамонлари булиши керак! Қилмишидан тўғри хулоса чиқар-



маган, хато устига хато, жиноят устига жиноят содир қилган ҳар бир фуқаро ва албатта, ходимларнинг ҳолига вой. Инсонийликни, ўзликни унутган, жиноят ботқоғига ботган кишиларга қачон, қаерда ва қандай содир этганидан қатъи назар, жиноятни учун жазо муқаррардир.

Султанбек ТАНИРБЕРГЕНОВ, Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ шахсий хавфсизлиги бўлими бош инспектори, капитан.

ЁЗ – ЎТМОҚДА СОЗ!

“Қамчиқ” Махсус қидирув, ёнғин-қутқарув бошқармаси ҳарбий хизматчилари ва хизматчилари фарзандларининг ёзги таътилини мароқли ўтказиш мақсадида, бошқармада футбол бўйича мусобақа ўтказилди.



Беллашувда ҳарбий хизматчилар истиқомат қиладиган олтинчи ва еттинчи хизмат уйлариининг фарзандлари ўзаро куч синашдилар.

Ҳар икки жамоанинг кучлари тенг келиб, улар кейинги мавсумда тўп суриш учун куръа ташлашдилар.

Б.ХАЛИКОВ, “Қамчиқ” МҚКБ КТВаМИБ бошлиғи, капитан.

МАНОРАТ МАШҚДА СINALADI

Qashqadaryo viloyati Shahrisabz shahar va tumanida Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimining hududiy hamda quyi tizimi boshqaruv organlari, kuch va vositalari hamkorligida qo'mondonlik-shtab o'quv mashqi bo'lib o'tmoqda.



O'quv mashqini o'tkazishdan maqsad — favqulodda vaziyatlarning oldini olish, ularni bartaraf etish va oqibatlarini tugatish bo'yicha Favqulodda vaziyatlarning oldini olish va bunday vaziyatlarda harakat qilish davlat tizimi Qashqadaryo viloyati hududiy quyi tizimlarining boshqaruv organlari hamda kuchlarini samarali qo'llash yuzasidan rahbarlar tarkibi va bo'linmalarning hamkorligini takomillashtirishdan iboratdir.

Hozirda belgilangan o'quv nuqtalarida amaliy harakatlar tashkil qilinib, kuch va vositalarning shayligi sinovdan o'tkazilmoqda.

FVV Matbuot xizmati.

Муҳтарам Президентимизнинг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони билан Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш агентлигининг ташкил этилганлиги жамиятда коррупциянинг барча кўринишларининг олдини олиш ва унга қарши мурасиз курашишда дастуруламал бўлди, десак адашмаган бўламиз.

ХАТАРЛИ ИЛЛАТ

Ислохотлар мазмунидан англаш мумкинки, бундан буён идоравий коррупцияга қарши курашишнинг самарали дастурларини амалга ошириш, уларнинг ҳисобдорлиги ва фаолиятининг очиқлиги механизмларини жорий этиш, одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши ва манфаатлар туқнашувининг олди олинишини таъминлаш бўйича амалий чора-тадбирларни бажариш орқали тегишли соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга имкон яратаётган сабаблар ва шарт-шароитларни таг-томири билан йўқотиш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг биринчи даражадаги муҳим вазифаси ҳисобланади.

Коррупциянинг кенг тарқалган турлари мавжуд бўлиб, унинг таркибига қуйидагиларни кириштиришимиз мумкин: порахўрлик, товламачилик, фирибгарлик. Бу турдаги коррупцион ҳаракатлар давлатнинг ривожланиши ва иқтисодий юксалишини барбод этувчи омиллар ҳисобланади. Улар пора олиш, пора бериш ва икки томон ўртасида маълум бир ҳақ эвазига давлат олдидаги бурчи, шунингдек, ишониб топширилган мансабини суистеъмол қилиш, ёнги мулкка зиён етказиш, қўрқитиш орқали ўзганинг шахсий бойлигини ўзлаштириб олиш ва яна қатор нохуш ҳолатларни амалга ошириш, алдаш ва ишонч-ни поймол қилиш каби кўплаб ҳолатлар билан ифодаланади.

Шундан келиб чиқиб, қаердадир таъмагирлик, порахўрлик ҳолатларига дуч келсак, ҳар биримиз бу нохуш ҳодисага нисбатан бефарқ, лоқайд бўлмаслигимиз, аксинча, коррупция иллатини таг-томири билан қуриштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларни виждонан бажаришга киришмоғимиз бурч ва масъулиятимизга айланмоғи даркор. Бошқача ифодалганда, адолатсизликка нисбатан мурасиз бўлишни ўзимиздан бошлашимиз зарур. Зеро, бу борада ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқи қонуний асосда қатъий кафолатланган.

Дилмурод ИБАДУЛЛАЕВ, Қорақалпоғистон Республикаси ФВБ шахсий хавфсизлик бўлими бошлиғи, майор.



ХУШЁРЛИК ЛОЗИМ

Хоразм вилояти Қўшқўпир тумани фавқулдда вазиятлар бўлими ходимлари томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда.

Ёнғин ҳолатларининг аксарияти аҳоли турар жойларида юз бераётганлиги бу борада тарғибот ишларини янада кучайтириш, ҳар бир фуқарога мазкур ҳолатларнинг олдини олишга бевосита масъул эканлигини мунтазам тушунтириб бориш лозимлигини кўрсатади.

Шу ўринда қуйидаги қоидаларни яна бир қарра эслатиб ўтамоқчи:

- куз-қиш мавсуми олдида хонадонлардаги иситиш қозонлари, иситиш печлари мўрилари, газ қувурлари кранларининг созилигига эътибор қаратиш, мўриларда тозалаш ишларини амалга ошириш;
- хонадонлардаги табиий ҳамда суюлтирилган газдан тўғри ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш;
- газ ва электр ускуналаридан фойдаланишда эътиборли бўлиш, ишчи ҳолатда назоратсиз қолдирмаслик;
- суюлтирилган газ баллонларини хона ичкарида сақлашмаслик;
- электр симларини ёнғинчи том, айвонлар ва ёнғинчи материаллар устидан ёки остидан олиб ўтмаслик;
- ёш болаларни ёнғин чиқиши мумкин бўлган нарса, буюмлар уйнашига йўл қўймаслик;
- ёнғин ва бошқа фавқулдда вазиятлар хавфи сезилганда, зудлик билан “101” ёки “1050” рақамларига кўнглироқ қилиш.

Доимо ёдда тутинг! Хушёрлик тинч ва осойишта ҳаёт кафолатидир. Ён-атрофингиздаги ҳодисаларга беварақ бўлмаг. Ёнғин ва фавқулдда вазиятларга қарши кураш ҳамда унинг олдини олиш ҳар биримизнинг доимий шиоримизга айланиши зарур.

Жалолiddин АБДАЛОВ, Қўшқўпир тумани ФВ бўлими бўлинма бошлиғи, катта лейтенант.

ТАРҒИБОТ

Ёнғинга сабаб бўлувчи омилларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидалари амалиётини тўла таъминлаш уларда фуқаролар онгли равишда иштирок этган тақдирдагина юзага келади. Чунки ўтказилган текширувларда фуқаролар уйларида иситиш ва ёритиш мосламаларидан нотўғри фойдаланишдан ташқари, носоз техник воситаларни қўллаши оқибатида ёнғинлар юз бераётганлиги маълум бўлмоқда.

Шу сабабли Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи МЧЖ биноларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлими инспекторлари ҳамда 27-ёнғин-қутқарув қисми ходимлари ҳамкорлигида ишчи-ҳодимлар ўртасида мунтазам равишда тарғи-



бот-ташвиқот ишлари ўтказиб келинмоқда.

Мазкур тадбирларда махсус кўргазмали тарғибот воситаларидан фойдаланган ҳолда, учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилиниб, ёнғин ҳодисалари ва уларнинг олдини олиш, содир бўлган оқибатларини бартараф этиш ҳаракатлари юзасидан тушунтиришлар олиб борилмоқда.

Ш.ИБРАГИМОВ, ФНҚИЗ МЧЖ биноларида ЁХТТЭБ мутахассиси, сержант.

Jizzax viloyati G'allaorol tumani 4-R avtomobil yo'lining "Ko'kgumbaz" MFY Qorong'ul qishlog'idan o'tuvchi 30-km.da fuqaro S.L. boshqaruvida bo'lgan "Gazel" rusumli yuk avtomobili "G'allaorol-Jizzax" yo'nalishida boshqaruvni yo'qotib, qarama-qarshi yo'nalishda harakatlanib kelayotgan fuqaro J.I. boshqaruvdagi furaga to'qnashishi oqibatida yo'l-transport hodisasi sodir bo'lgan va "Gazel" da yong'in chiqqan.

YONG'IN BARTARAF ETILDI



Farrux ABDURAHMONOV, Jizzax viloyati FVB axborot xizmati boshlig'i, kapitan.

Tuman FV bo'limi yong'in-qutqaruv bo'linmasi hodisa joyiga zudlik bilan yetib borgan va yong'inni to'liq bartaraf etgan.

Yong'in natijasida har ikkala avtomobilning salon qismi yonib zararlangan. Jabrlanganlar yo'q.

Shu o'rinda haydovchilardan yo'llarda harakat xavfsizligi qoidalariga qat'iy rioya etish va charchoq holatida avtomobilni boshqarmaslikni so'raymiz.

AVTOMATIK YONG'IN XABARLOVCHILARI

Yong'inga qarshi kurashning asosiy omillaridan biri uni o'z vaqtida aniqlash va yong'in kuchayib ketmasidan oldin unga qarshi chora-tadbirlarni amalga oshirishdir. Bunda aloqa vositalari va signalizatsiyalardan foydalanish yaxshi natija beradi.

Respublikamizga xorijiy texnik vositalar muntazam kirib kelmoqda, neft va gaz sanoati, energetika, rangli metallurgiya, kommunikatsiya va aloqa tarmoqlari keskin rivojlanmoqda. Bu yong'in o'chirish texnik vositalariga

bo'lgan talab va e'tibor o'z-o'zidan oshishiga olib keladigan omillardan biridir.

Jumladan, xorijiy davlatlarda yong'inga qarshi kurashish, yong'inlarning oldini olish maqsadlarida zamonaviy texnik vositalardan samarali va unumli foydalanib kelinmoqda. Bu esa avtomatik yong'in xabarlovchilarining ham yangi avlodlari yoki turlarning yaratilishi va rivojlanishini taqazo etadi.

Yong'in darakchilari tizimi asosan yong'inni dastlabki belgilari bo'lmish tutun, yorug'lik yoki u yerdagi haro-

ratni elektr xabarlariga aylantira oladigan xabarchi moslamalardan iborat bo'ladi. Bu xabarchi moslamalar aloqa tarmog'iga ulangan bo'lib, qabul punktiga o'ziga xos tovush yoki yorug'lik signallari orqali darak beradi hamda avtomatik o't o'chirish va tutun haydash uskunalarini zudlik bilan ishga tushirishni ta'minlaydi.

Rustam ISAYEV, Toshkent shahar FVB YoXTEB YoN va PB mutaxassisi, katta sержant.

Жиззах вилояти Фавқулдда вазиятлар бошқармаси томонидан бозор ва савдо марказларида фавқулдда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки, бозор ва савдо марказларида аҳоли гавжум бўлиши, кўп миқдорда ёнғинчи маҳсулотлар сақланиши мумкин.

БОЗОРЛАРДА ПРОФИЛАКТИКА



Масаланинг яна бир жиҳати шуки, мазкур объектлар хавфсизлик қоидалари энг кўп бузиладиган жойлар ҳам ҳисобланади. Узоққа бормаимиз, Жиззах шаҳрида жойлашган “Эски шаҳар” буюм бозорида жорий йилнинг ўзида бир неча бор профилактик тадбирлар ўтказилиб, огоҳлантиришлар берилган бўлсада, ҳолат ижобий томонга ўзгаргани йўқ. Кириш дарвозасининг тамбаланиб, сунъий тўсиқлар билан ёпилгани, камига дарвоза олдида ўзига хос “автотураргоҳ” ташкил этилганининг ўзи вазият яхши эмаслигидан далolat бериб турибди. Бозор 2014 йилда қайта реконструкция қилиниб, ёнғинга қарши оралиқ масофалар очилган, қутқарув автомобиллари ҳаракатланиши учун ўтиш йўллари бунёд этилган эди, ҳозирги кунга келиб, афсуски, улар бутунлай тўсиб қўйилган, ҳисоб. Дўконлар орасида қутқарув автомобиллари уёқда турсин пийёда ҳаракатланишининг ўзи муаммо. Бозор ҳудудида жами 878 та дўкон бўлиб, уларнинг аксарияти ташқи томондан қўшимча савдо расталари очган, турли металл конструкциялар ўрнатилган, натижада йўлларнинг кенглиги ҳар томондан қисқартирилган. Дўконларда жуда кўп миқдорда ёнғинчи маҳсулотлар бўлгани ҳолда, бирламчи ёнғин учиретиш воситалари

етарли эмас. Турли электр симлари ўзбошимчалик билан ўтказилган. Қисқа туташув ва ортиқча юкланишдан ҳимояланмаган.

Бундан ташқари, бозор ҳудудида жами 24 та ёнғинга қарши ерости сув қудуғи мавжуд бўлиб, уларнинг 7 таси носоз ҳолатга келиб қолган. Иккита ёнғинга қарши сув ҳовзининг биттаси носоз, яна биттасига ўрнатилган ёнғин учиретиш сув насоси ишламайди. Бир сўз билан айтганда, бозор ҳудудида бирор кўнглисиз ҳолат, масалан, ёнғин рўй берса, уни бартараф этиш машаққатли ишга айланиши турган гап.

Шу ўринда тадбиркорларга мурожаат қилмоқчимиз. Берилётган имкониятлардан унумли фойдаланиш яхши, аммо фақат даромад ортидан қувиб хавфсизлик қоидаларига бепарво бўлиш мудҳиш оқибатларга олиб келишини тушуниш учун ўтган йилларда содир бўлган йирик ёнғинларга назар солишнинг ўзи кифоя. Ёнғин қачон ва қаерда рўй беришини олдиндан айтиш мушкул. Шу нарса аниқки, унинг олдини олишнинг ягона ва энг самарали усули — хавфсизлик қоидаларига риоя этишдир.

Фаррух АБДУРАҲМОНОВ, Жиззах вилояти ФВБ ахборот хизмати бошлиғи, капитан.

КАНАЛДАН ОЛИБ ЧИҚИЛДИ



Фарғона вилояти ФВБ марказий диспетчерлик хизматида Ёзёвон туманида яшовчи фуқаро Тошлоқ туманидан оқиб ўтувчи жанубий катта Фарғона канали ёнида ҳаракатланаётган вақтда эҳтиётсизлик оқибатида бошқарувни йўқотганлиги ва бунинг натижасида “Зил” русумидаги юк автомобиль беда пресслари билан каналга тушиб кетганлиги ҳақида хабар келиб тушган.

Мазкур хабарга кўра, бошқарма Махсус вазибаларни бажарувчи минтақавий қутқарув

отряди фаввос-қутқарувчилари воқеа жойига етиб борган ва махсус юк кўтариш крани ёрдамида автомобиль каналдан олиб чиқилган.

Ҳодиса оқибатида жабрланган ва жароҳат олганлар йўқ.

И.ХОЛМАТОВ, Фарғона вилояти ФВБ МВБМҚО командири, капитан. А.АЛИЖОНОВ, бошқарма ОАВ ва ЖТБХҚ бошлиғи, катта лейтенант.

Xorazm viloyati Xonqa tumanidagi "Yangi O'zbekiston" massivida qurilish ishlari jadal sur'atlar bilan davom ettirilmoqda. Yangidan qad rostlayotgan ko'p xonadonli uylar barchaga manzur bo'lmoqda.

QOIDALARGA AMAL QIL!

Jumladan, “Yosh kuch” mahallasida 9 ta besh qavatli turar joy binolarining qurilish ishlari belgilangan reja asosida olib borilmoqda. Tuman FV bo'limi xodimlari turar joylarda olib borilayotgan ishlar bilan yaqindan tanishib, yong'in xavfsizligi bo'yicha bir qator tavsiyalar berdilar. Qurilish jarayonlari qoidalariga amal qilingan holda sifatli tarzda bajarilmoqda. Quruvchilarning samarali faoliyat yuritishi uchun barcha sharoitlar yaratilgan. Tez kunlarda “Yosh kuch” mahallasida ham ko'p xonadonli uylar bunyod etilib, ular tuman husniga yanada ko'rk bag'ishlaydi.

R.QADAMBOYEV, D.YOQUBOV, Xonqa tumani FV bo'limi xodimlari.

O'RGANISHLAR DAVOM ETADI

Fuqarolar xavfsizligini ta'minlash maqsadida Qashqadaryo viloyati hududida 13 ta madaniyat va istirohat ko'ngilochar bog'laridagi jami 142 ta attraksionlarning texnik holati mutasaddi tashkilotlar hamkorligida o'rganib chiqildi.



O'rganishlar davomida 19 ta attraksion joylardagi istirohat bog'lari tasarrufida, qolgan 123 tasi tadbirkorlarga tegishli ekanligi ma'lum bo'ldi.

Hozirda joylardagi FV bo'limlari hamda Sanoat xavfsizligi davlat inspeksiyasi viloyat bo'limi mas'ullari tomonidan ushbu attraksionlarning texnik sozligi o'rganilmoqda.

Shu o'rinda fuqarolarimizdan

istirohat bog'laridagi attraksionlardan foydalanishdan oldin ularga texnik xizmat ko'rsatil(ma)ganligi to'g'risidagi dalolatnomalar bilan tanishgandan so'nggina farzandlarining uchishiga ruxsat berishlarini so'rab qolamiz.

Mashrab AHMEDOV,
Qarshi shahar FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

XAVFSIZLIK GAROVI

G'uzor va Nishon tumanlari FV bo'limlari tomonidan hududlardagi qurilish ishlari davom etayotgan maskanlarda, mahallalarda, aholi yashash xonadonlarida uyma-uy yurilib, fuqarolarga kuz-qish mavsumi oldidan yong'in xavfsizligi bo'yicha tushunchalar, gaz va elektr jihozlaridan foydalanishda e'tiborli bo'lish yuzasidan yo'riqnomalar berilmoqda, aniqlangan kamchiliklar joyida bartaraf etilmoqda.



Tadbirlar davomida Nishon tumani hududida joylashgan 4 qavatli turar joylarning birida shartli yong'inidan insonlarni qutqarish va oqibatlarini bartaraf etish yuzasidan o'quv-amaliy mashg'ulot bo'lib o'tdi.

Mashg'ulotda qutqaruvchilarning ko'p qavatli binolardan fuqarolarni tezkorlik bilan xavfsiz hududga olib chiqish hamda ularning to'g'ri harakat qilishga oid ko'nikmalarini mustahkamlash bo'yicha harakatlari amalga oshirildi.

Shuhrat DIYAROV, Qamashi tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.
Azamat ABDIYEV, Nishon tumani FV bo'limi boshlig'i, podpolkovnik.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар, оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишлари олиб борилмоқда.

ТИЛСИЗ ЁВ

Амалга оширилаётган тadbirlardan кўзланган мақсад аҳоли ўртасида ёнғинга қарши курашни кучайтириш, ёнғинларнинг олдини олишга аҳолини жалб қилишдан иборат.

Бугунги долзарб масалалардан бири фуқароларни ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этишга ўргатиш, аҳоли кўп йиғиладиган жойларда бу борадаги камчиликларни жойида бартараф этишдир. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг бугун ёнғинларнинг олдини олиш билан бир қаторда, фуқароларни оловдан асраш, тан жароҳати ва ҳалок бўлиш ҳолатларига

йўл қўймаслик бўйича ўз имкониятларини ишга солмоқдалар. Тилсиз ёв билан курашиш фақатгина ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг иши эмас, балки ҳар бир фуқаронинг бурчидир. "Ўз уйингни ўзинг асра!" деган шиор ҳар бир фуқаро, ҳар бир оила, корхона, муассаса учун тааллуқдир.

Абдулазиз ТАДЖИБАЕВ,
Тошкент шаҳар ФВБ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига қарашли биноларда ЭХТТЭБ мутахассиси, катта сержант.

ZAHARLANISHDAN SAQLANING!

Xonadonlarimizdagi isitish va yoritish moslamalaridan to'g'ri foydalanishimiz zarur. Birinchi navbatda texnik holatiga e'tibor berishimiz kerak. Foydalanadigan pechlarimizning, ya'ni isitish manbalarimizning texnik sozligiga, yonishiga, gaz mahsulotining kislorod bilan to'g'ri ta'minlanganligiga, qolaversa, dudburonlardan chiqib ketishini alohida nazorat qilib borishimiz juda muhimdir.

Avvallari qishloq sharoitlarida yog'och, tappidan ham foydalanilgan, lekin ulardan zaharlanish holatlari uchramaganmi, degan savol paydo bo'ldi. Hozirgi kunda uyimiz yildan-yilga zamonaviy bo'lib bormoqda. Uylar ko'p qavatli qilib qurilmoqda, natijada dudburonlar chiqadigan mo'rilar (tuy-nuklar) uzundan-uzun bo'lib bormoqda. Buning natijasida zaharli gaz aralashmasining chiqishida ayrim to'siqlar paydo bo'lib, tutun to'liq chiqib ketmay, havo almashinadigan joylarda to'planib, uy ichida saqlanib qolishi oqibatida organizmga ta'sir ko'rsatmoqda. Qolaversa, avvallari uy romlari yog'och materiallardan tayyorlangan bo'lib, tashqaridan toza havo ma'lum miqdorda kirib turgan. Hozirda zamonaviy metall (akfa) texnologiyalaridan foydalanilmoqda, unda hech qanday havo almashinish imkoniyati yo'q.



Albatta, yong'in vaqtida yoki isitish moslamalaridan chiqqan zaharli tutunlardan inson organizmi zaharlanishi mumkin. Masalan, tutunning xonaga yig'ilib, chiqib ketmasligi oqibatida organizmda bog'itilish holatlari, ya'ni kislorod tanqisligi oqibatida nafas yo'llarining zararlanishi natijasida organizmda biologik o'zgarishlar sodir bo'ladi. Kislorod tashiydigan qon tarkibida har xil zararli element miqdori me'yoridan ortiq bo'lib ketishi hisobiga butun organizmni zaharlashi mumkin. Buning oqibatida, albatta, klinik yoki biologik o'lim holatlari kuzatiladi.

Bunday holatlarning oldini olish uchun har bir fuqaro o'zi foydalanadigan moslamalarning texnik holatiga va isitishda foydalaniladigan manbaning texnologik yonish holatiga e'tibor berishi kerak. Qolaversa, dudburonlar tuyuklardan chiqishini to'g'ri yo'lga qo'yishimiz kerak. Agarda zaharli gazlarning chiqit mahsulotlari tuyuklardan chiqmay to'planib qolsa, organizmga nafas yo'llari orqali tushadi hamda is gazidan zaharlanadi. Organizmda ushbu gaz gemoglobin bilan kislorodga nisbatan 300 marotaba kuchli birikma — karboksigemoglobin hosil qiladi. Oqibatida gemoglobinning to'qimalarga kislorod tashish xususiyati keskin pasayib, gipoksiyaga olib kelishi hamda shu tariqa inson hayotdan ko'z yumishi mumkin. Agarda vaqtda xabar topib qolinsa, birinchi tibbiy yordam berishda toza hududga olib chiqish kerak. Olib chiqqandan keyin nafas va og'iz bo'shlig'ini tozalash, jabrlanuvchining qo'l va oyoqlarini erkin va oz bo'lsa-da, ko'tarilgan holatda yotqizish, nafas olishga xalaqit beruvchi barcha narsalarni yig'ishtirish, nashatir spirtni hidlatish, holatiga qarab issiq choy yoki qahva ichirish, hushini yo'qotib qo'yayotgan bo'lsa, sun'iy nafas berish, bundan tashqari, uxlab qolmasligini nazorat qilish zarur.

Sanjar ODILOV,
Samarqand viloyati FVB HFXO'M o'qituvchisi.

Mutaxassislarning nazoratsiz kislorod ballonidan foydalanish taqiqlanadi. Chunki tibbiyot sohasida kislorod bilan ishlashda xavfli omillar mavjud. Kislorod tez yonish, shu jumladan, yong'inga xavfliligi va portlovchi gaz xususiyatlariga ega hisoblanadi.

KISLOROD BALLONLARIDAN FOYDALANISH



Kislorod kimyoviy element sifatida toksik xususiyatga ega emas, u o'z-o'zidan portlamaydi va yonmaydi, ammo kuchli oksidlovchi hisoblanadi hamda turli materiallarning yonishini faollashtiradi. Tibbiy maqsadlarda ishlatiladigan siqilgan kislorod balloni 15-20 MPa ga teng yuqori bosimga ega. Siqilgan kislorod ballonlari ko'k rangda bo'ladi hamda qora rangdagi "Kislorod" yozuvi bilan belgilanadi.

Yog' va moylar bilan reaksiyaga kirishganda kislorod issiqlik chiqishi bilan darhol oksidlanadi, bu esa ballon ichidagi bosimning ortishiga olib keladi.

Kislorod ballonlari yaqinida chekish, ochiq olov manbalaridan foydalanish mumkin emas.

Yodingizda tuting! Kislorod ballonlaridan foydalanilganda, asbob-uskunalar, xodimlarning qo'llari va kiyimlari yog' va moydan tozalangan bo'lishi lozim. Kislorod ballonlari bilan ishlashda spirt, leykoplaster, dezinfektsiyalash vositasi yoki boshqa yonishi mumkin bo'lgan manbalarni ishlatish taqiqlanadi. Sintetik matodan tikilgan kiyimlarda ishlash mumkin emas.

Kislorod saqlanadigan xonani tozalash toza suv va oddiy mato yordamida amalga oshiriladi.

Ballondagi kran reduktorining ventili, bosim keskin ko'tarilishining oldini olish uchun kislorod yuborishdan oldin va keyin asta-sekinlik bilan ochiladi. Manometrni kuzatib boring. Ventilni ochish uchun bolg'a ishlatish mumkin emas. Ventil ishlamay qolganda ballonga "Ehtiyot bo'ling, nuqsonli ventil. Ballon to'liq" deb yozib qo'yiladi. "Kislorod" yoki "Moy xavfli" yozuvi bo'lmagan bosim o'lchagichlaridan (manometr) foydalanish taqiqlanadi. Ventilni ochish vaqtida reduktor va kislorod yetkazib beruvchi liniyaning ro'parasida turish mumkin emas.

Kislorodni havoga chiqarmang! Bu sizning kiyimlaringiz va binolaringizda to'planib, yong'in yoki portlashga olib kelishi mumkin.

Ballonlardagi tibbiyot kislorodi, har qanday dori singari ishlab chiqaruvchining pasportiga, yaroqlik muddatiga, guvoohnoma va muvofiqlik sertifikatiga ega bo'ladi.

Tibbiyot kislorodi bilan to'ldirilgan ballonlar ko'k rangga bo'yalgan hamda qora rangdagi "kislorod" va "M" harfi bilan etiketlangan bo'lishi kerak.

Kislorod ballonlaridan foydalanishda ayrim ehtiyot choralari ko'rihsagina, uni ishlatish xavfsizdir. Shu bilan birga, ularga ehtiyotsizlik bilan munosabatda bo'lish kutilmagan salbiy oqibatlarga olib kelishi mumkin.

Siqilgan gazsimon kislorod yog' va moylar bilan reaksiyaga kirishganda ular bilan faol birikib, yong'in va portlashni yuzaga keltiradi. Ballon saqlanadigan xonada chekish qat'iyan man etiladi. Ballon ventilini (qopqog'ini) ochganda, unga yuz tomoni bilan qarab turish tavsiya etilmaydi, chunki kuchli kislorod oqimi ko'zlarning shilliq qavatini kuydirishi va ko'rish qobiliyatiga zarar yetkazishi mumkin.

Kislorod balloni bilan ishlashda qo'llar toza (krem va boshqa moylardan tozalangan) bo'lishi kerak. Qo'llarni spirt bilan artish mumkin emas. Giperbarik oksigenasiyadan oldin, bemorning yuzida kosmetik moddalar yo'qligiga ishonch hosil qilish kerak.

Eng asosiysi, uy sharoitida hamda tibbiyot xodimlarining nazoratsiz kislorod ballonidan foydalanish taqiqlanadi.

Muzaffar MULLABOEV,
"UzAuto Motors" AJ BYoXTTEB mutaxassisi, oddiy askar.

ПРОКРАСТИНАЦИЯ НИМА?

Биласизми?

Бир одам ҳамма ўтадиган йўлга тикан экибди. Тиканлар ўсиб, йўлдан ўтадиган одамларга қийинчилик туғдира бошлабди. Азобланган жабрдидаларнинг ёлворишларига эса умуман парво қилмабди. Орадан бир оз вақт ўтгач, уша жойнинг улуги, ҳамма ҳурмат қиладиган киши тикан эккан одамга: - Қушни ҳаққи муҳимдир. Бу ҳаққа хиёнат қилма ва тиканларни юлиб ташла, — дебди қатъий. Тикан эккан одам эса: — Албатта. Сизни хафа қила олмайман. Уларни тез орада юлиб ташлайман”, — дебди хотиржам оҳангда. Кунлар кетидан кунлар ўтса-да, иш ортга сурилиб, тиканлар тобора ўсиб, катталашда давом этибди. Нуроний чол бу сафар тикан эккан кишига қаттиқроқ гапирибди:

— Эй гапида турмайдиган одам, тиканларни юлиб ташла. Бу ишни қачонгача чўзиб юрасан?

— Отажон, хавотир олманг. Тиканларни бугун бўлмаса эртага, албатта, юлиб ташлайман, — дея жавоб қайтарибди боғия одам одатдагидек парво қилмай.

— Оқсоқол нуроний аттанг дегандек бошини силкиб дебди:

— Яхшилаб қулоқ сол. Бугун-эрта, деб бу ишни кечиктиряпсан. Ҳар бир ўтган кун ҳисобига бу тиканлар кучлироқ томир отяпти. Бу кетишда улар дарахтга ўхшаб кетади. Сен бўлсанг аксинча, ҳар кун қарияпсан, кучдан қоляпсан. Бу ишнинг охири нима бўлишини биласанми? Бугунги ишни эртага қўйма, кейин қаттиқ афсусланасан, кейин фойдаси бўлмайди.

Мазкур ривоятга ўхшаш ҳолатга ҳар биримиз ҳаётда жуда кўп дуч келамиз. Гоҳида ўзимиз тиканчидек йўл тутишга уринишимизни ҳар доим ҳам тан олгимиз келмайди. Ҳозирги шиддаткор замонда кўпчилигимиз муҳим ишларни ортга суриб, эртага қиламан, душанбадан бошлайман, деган баҳоналар билан ўзимизни алдаб, майда-чуйда нарсаларга ўралашиб қолишимиз натижасида аттанг, дея бармоқ тишлаган вақтларимиз бўлиб туради. Гарчи бу каби муаммо барча замонларда ҳам кузатилган бўлса-да, бугунги кундаги замондошларимиз орасида янада кенг тарқалиб, инсонларнинг ҳаётда ўзи истаган бахтга етишиши янада мураккаблашишига сабаб бўлмоқда. Шу боис ҳам 1977 йилда психология фанига янги алоҳида атама киритишга эҳтиёж туғилди ва муҳим ишларни кейинга қолдириш одатига “Прокрастинация” номи “расмийлаштирилди”. Таъкидлаш жоизки, прокрастинация ҳам мутахассислар томонидан XXI аср муаммоси, деб тан олинган. У биргина одамнинг табиатига хос бўлган, кўз илғамас майда муаммодек кўринса-да, умумий ҳисобда прокрастинация туфайли ҳар йили жуда катта миқдордаги вақт беҳуда кетади. Ҳатто бу муаммо сабаб бутун бир мамлакатлар иқтисодий ҳаётини сезиларли даражада зарар кўриши мумкин экан. Хўш, бу салбий одатнинг илдизи қаерда ва ундан қандай халос бўлиш учун нималарга эътибор қаратилиши керак?

КЎЗ ҚЎРҚОҚ — ҚЎЛ БОТИР

Феълнингизда ўз кучингизга ишонмаслик каби қусур борми? У ҳолда сиз қай бир муҳим ишни бошламанг, “охири қандай бўларкин?”, “ҳаракатларим натижа берармикин?” каби шубҳа-гумонлар таъсирида “бу ишни кейинроқ қиларман, ҳозир бунга тайёр эмасман”, деган қисқа хулосага келасиз ва оқибатда ўн йил ўтиб ҳам шу кайфиятда юрасиз. Донишмандлар таъкидлаганларидек, хато қилмасликнинг энг яхши йўли, бу — ҳеч нарса қилмасликдир. Хато қилиб қўйишдан ҳеч қачон кўрқмаслик керак. Чунки бехато яшашнинг иложи йўқ. Унутмангки, сиз бошлаган ҳар қандай иш омадсизлик билан тугайвермайди. Ахир, “кўз — қўрқоқ, қўл — ботир” деб бежизга айтилмаган. Муҳим ишларингизни амалга ошира бошлаганингиздан сўнг ич-ичингиздаги ишонсизлик, хавотир ҳисси хотиржамлик



билан ўрин алмашади. Ўйлаб кўринг, ўтмишингизда муваффақиятсизликлар кўп бўлгандир, аммо бу келажакда, албатта, қайталанмади, деб умидсизликка тушиш нотўғри. Чунки шундай ўйлаш оқибатида сиз ҳаёт оқими қаёққа олиб борса, ўша йўналишда сузиб бораверасиз. Жиддий ўзгаришларни амалга ошириш учун оқимга қарши сузиш лозим. Илгариги муваффақиятсизликларингизни таҳлил қилиб кўринг, йўл қўйган хатоларингизни такрорлашмасликка ҳаракат қилинг. Сиз амалга оширолган бўлган ишни бошқалар уддалаётганини сезиб турибсиз. Демак, сиз бунга қодирсиз. Баъзи одамлар перфекционист, яъни ҳар ишни тўла-тўқис бажаришга ҳаракат қиладиган бўлишади. Лекин кўпинча идеал натижага эришиш йўлидаги уринишлари чоғида озми-кўпми нуқсонларга йўл қўяди. Натижада бошлаган ишдан кўнгли тўлмай, маълум бир нуқтага етганда ишни ниҳояламасдан ташлаб қўйиши мумкин. Бундай ҳаёт тарзи давомида одамда “оқ-қора фикрлаш” дунёқараши шаклланади. Бу эса муҳим ишларга қўл уришдаги иштиёқни сусайтириб юборади. “Энг яхши натижага эриша олмасам, бу ишга қўл уриб нима қилдим”, деган ўй-хаёллар уни бир жойда тўхтатиб тураверади. Ҳар бир киши ҳаётга таҳлилий кўз билан қараб, идеал натижага эришишнинг иложи йўқлигини, ҳатто кам-кўсти бўлса-да бирор муҳим ишни бажариш, уни умуман ортга суриб қўйгандан яхшироқ эканлигини тушуниши лозим.

ЭНГ МУҲИМДАН БОШЛАНГ

Баъзилар ўз олдларига аниқ ва пухта мақсад ҳамда вазифа қўя олмайдилар. Биринчи даражали ишни иккинчи даражалисидан ажрата олмайдилар. Натижада дуч келган ишни қилиб юраверади. Муҳим ва зарур ишни бажариш вақти яқинлашиб қолганда бошлаб қўйган бошқа ишларини ярим йўлда ташлаб, шошиб-пишиб янги юмуш этагидан тутадиган одамларнинг барча ишлари ўлда-жўлда, ҳаётларида ҳеч бир тартиб бўлмайди. Сизда шу каби муаммо бўлса, ён дафтар тутиб унга яқин вақт ичида бажаришингиз лозим бўлган ишлар рўйхатини ёзиб боринг. Улар орасидан энг шошилиш ва муҳимини танлаб амалга оширишга киришинг.

Қай бир ишга қўл урманг, аввало “мен бу ишни ҳозир бажаришим шартми?”, “бажарилиши керак бўлган бундан ҳам муҳим ишларим бор-

ми?” деган саволларни ўзингизга бериб кўринг. Биринчи саволга қатъий “ҳа”, иккинчисига эса “йўқ”, деб жавоб бера олсангизгина ишга киришинг.

ОЛДИНГДАН ОҚҚАН СУВНИНГ ҚАДРИ ЙЎҚ

Инсон психологияси шундайки, у яхши ва қулай нарсаларга жуда тез ўрганadi. Натижада яхши шарт-шароит ва ҳолат оддий нарсага айланади. Аксинча одамни ҳамма вақт эмас, балки ора-орада мукофотлаб турилгандагина у берилган мукофотнинг қадрига етади. Сиз ходим бўлсангиз, ўзингиз бажараётган ишни ва унга тўланаётган ойлик маошини бошқа ташкилотлардаги ҳамкасбларингизники билан солиштириб кўринг. Сиз улардан кўпроқ олаётган экансизми? Унда ҳаракатингизни қилинг: яхшироқ ишланг, вазифаларингизга виждонан ёндашинг, тинмай малакангизни оширинг. Меҳнат жадвалингиз 9 дан 6 гача бўлса, билингки сиз иш жойингизга соат 9 бўлмасдан келиб, соат 6 дан ошгандан сўнг кетишингиз лозим. Шундай қилмасангиз, вақти келиб ойлигингизни пасайтиришади ёки умуман ишдан бўшатиб юборишлари ҳам мумкин.

БИЗНИ ҚЎРҚУВ БОШҚАРАДИ

Сиз ташкилот ёки меҳнат жамоаси раҳбари бўлсангиз, қўл остингиздаги ҳар бир ходимнинг ишини назорат қилинг. Чунки меҳнат жамоасидаги прокрастинация одати юқумли бўлади. Масалан бемалолхўжа ходим улар билан бир хил ойлик маош олаётган илғор ходимларда яхши ишлашга бўлган иштиёқ сўнади, “меҳнатимизнинг қадри йўқ экан”, деган фикрга келадилар. Унутманг, дунёда катта муваффақиятга эришган барча йирик компаниялар, ташкилотларда лавозимидан қатъи назар ҳамма ходимлар “Яхши ишлаётганмикинман? Мени мукофотдан маҳрум қилишмасмикин?” деган энгил қўрқув ва стресс ҳолатида юришади. Айнан шу нарсаларни соғлом рақобатга, ижодкорлик, меҳнат-севарликка ундайди. Аксинча ходимлари бамайлихотир, бепасанд, хотиржам кайфиятда юрадиган компаниялар ҳеч вақт ишдаги юқори натижалар билан фахрлана олишмайди.

ЎЗИНГИЗ БИЛАН ГАПЛАШИБ КЎРИНГ

Прокрастинацияни келтириб чиқараётган сабаб қандай бўлмасин, бу одати бор одамларнинг барчасида импульсив феъл-атвор кузатилади. Яъни, муҳим иш кутиб турган бўлсада, одам ўзи учун ёқимли бўлган, куч ва меҳнат талаб қилмайдиган нарсаларга чалғийверади. Масалан, телевизор кўради, интернет тармоғига киради, мусиқа тинглайди, бирор нарса ўқийди, кўчада сайр қилади. Асосийси, ўзини қийнамаса бўлди. Ўзингиздаги импульсив феъл-атворни энгил учун ўзингиз билан гаплашишга ўрганинг. Бунда овоз чиқариб гаплашиш шарт эмас. Ўзингизга саволлар бериб, жавоблар қайтаринг. Бажарган ишларингиз ҳақида ўзингизга ҳисобот беришга одатланг. Бу нарса ўзингизнинг олдингиздаги масъулиятингизни сал бўлсада оширади. Бирор муҳим ишни бажаришингиз керак бўлса-ю, аммо охирига етказмасдан ташлаб қўйишингиз мумкинлигини кўрсангиз, дўстларингиз, яқинларингизга ўз режаларингиз ҳақида гапириб беринг. Вақти келиб режаларингиздаги ишни амалга оширолмай қолсангиз, уларнинг олдида уялиб қолишингиз мумкин. Уялиб қолишдан қўрқиб ҳисси сизни аксинча ўзингизни қўлга олишга ундайди.

Тайёрловчилар: Рафиқжон ИСРОИЛОВ, Қува тумани ФВ бўлими ходими, катта лейтенант. Музаффар ЮЛДАШЕВ, журналист.



Vaziyat

газетаси

Муассис:
Ўзбекистон
Республикаси
Фавқуллода
вазирлар
вазирлиги

Бош муҳаррир в.б.
Азамат СУҲОНОВ

Газета таҳририят
компьютерхонасида
саҳифаланди.

Газета ҳар ҳафтанинг
пайшанба куни чиқади.
Топшириш вақти — 15:00.
Топширилди — 15:00.

Навбатчи
М. САНАЕВ

Таҳририятга юборилган
материаллар қайтарилмайди ва
изоҳ берилмайди.
Муаллифлар фикри таҳририят
нуқтаи назаридан фарқлиниши
мумкин.

Газетадан олинган
материаллар манбаси
кўрсатилиши шарт.

Газета Ўзбекистон
Матбуот ва ахборот
агентлигида 2007 йил
3 январда 0096-рақам
билан рўйхатга олинган.
ISSN 2091-5292

Таҳририят манзили:
100084, Тошкент шаҳри,
Кичик ҳалқа йўли, 4-уй.
Тел.: (71) 231-96-71
Телеграмм: (90) 016-87-67

Индекс:
якка обуначилар ва
ташкилотлар учун — 382

Газета
“BUSINESS PRINT DESIGN”
босмахонасида босилди.
Манзил: Тошкент шаҳри,
Сўғалли ота кўчаси, 5-уй.
Буюртма №
Бичими: А3, ҳажми: 2,0 б.т
Адади — 6000 нуска